

## Каъбага ғазот қилгани ер ютади



17:12 / 29.08.2017 8494

1587. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Бир аскар Каъбага ғазот қилади. Қачонки улар сайҳонлик ерга етганларида уларнинг аввалини ҳам, охирини ҳам ер ютади», дедилар.**

**«Эй Аллоҳнинг Расули! Уларнинг бозорларидагилар ва улардан бўлмаганлар қандай бўлурлар?» дедим.**

**«Аввалларини ҳам, охирларини ҳам ер ютади. Аммо қиёмат куни ниятига қараб қайта тирилтириладилар», дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

1588. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Каъбани болдирлари ингичка ҳабший вайрон қилади», дедилар».**

*Бошқа ривоятда:*

**«Мен унинг қоп-қора, оёғи қийшиқ ҳолда битта-битталаб тошларни кўчираётганини кўраётгандекман», дейилган.**

*Икки шайх ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Бу икки ривоятда васфи келаётган ҳодисалар қиёмат яқин қолганда бўлади.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)*